

АЖДОДЛАР МЕРОСИ.

Гўзалхон Валиева.

*Наманган вилоят тарихи ва маданияти
давлат музейи илмий ходими*

Ўзбекистон халқ амалий санъати турларидан бири-- маъдандан ясалган бадий буюмларга бўртма безак бериш санъатидир, бу- торевтика азал-азалдан ривожланган. Ҳаммамизга маълумки қадимдан турмуш тақозоси билан уй-рўзғор буюмлари яратилган бўлиб, ҳар бир хонадонда бундай буюмлар учраган ва ишлатилган. Ҳозирги кунда эса кўпроқ музейларда сақланади ва улар жуда кўп. Жумладан Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейида ҳам маъдан буюмларининг хилма-хил турлари мавжуд улардан кўза, мис чойнак, кумфон, офтоба, самавор, мис коса, челак, мислаган, чўмич, капкур, кружка, чироқ-шамдонлар бўлиб, вақти-вақти билан намойиш этиб борилади. Улар бўртма, чекма ўйма нақшлар билан безатилган Уларни томоша қилар экансиз кўли гул мисгар ҳунармандлар ишларига қойил қолмай иложингиз йўқ Музейда сақланиётган бу ноёб ашёлар ота-боболаримиз маҳсулидир, келинг уларнинг айримлари ҳақида тўхталиб ўтсак.

Мис кўза баландлиги 63, айланаси 90см. 20-срга оид. Ушбу кўза ҳунарманд мисгарлар томонидан болғалаш усулида қизил мисдан тайёрланган. Қорни ва бўғзи ислимий шаклда нақшлар солиб безатилган. Ундан сув сақлаш ва ташишда фойдаланилган. У чидамли, салга синмайди, ҳар қандай шароитда ҳам ичидаги маҳсулот табиийлигича сақланади. Шунинг учун бу кўза ноёб ҳисобланади ва музейга ташриф буюрган томошабинларга ҳамда келажак авлодга кандакорлик санъати, ўша давр ҳақида маълумот берувчи манба ҳисобланади.

Мис пиёла баландлиги 7см диаметри 13 см 19-асрга оид. 11 мартда 1977-йилда музейга қабул қилинган. Ранги оч қорамтир, ичи чуқур сирланмаган. Ташқи томони ислимий ва гирихли услубда нақшлар билан безатилган. Мис пиёла турли ичимликлар учун мўлжалланган.

Мис лаган баландлиги 2 см. Диаметри 38см. Қўл меҳнати асосида тайёрланган болғалаш усулда ишланган Ушбу лаган уй-рўзғор буюми бўлиб, қуюқ таомлар ва мева-чевалар ва бошқа нарсалар солинадиган, катта юзаси ёйиқ ясси идиш. Мис лаган кандакорлик услубида нақшланади.

Чойдиш баландлиги 29 см, айланаси 38 см. 1977 йил 2- августда музейга қабул қилинган. Мисгар уста Саидханов Муборак томонидан

тайёрланган. Қорни кенг бўғзи томон қорайиб кетган. Қопқоғидан то тубигача чиройли нақшлар билан безатилган. Бандида араб алифбосида Наманган деб ёзиб қўйилган.

Сатил бўйи 24,8см оғиз қисминин диаметри 21см XIX-асрга оид. 1973-йил 4 мартда музейга қабул қилинган. Мис сатил Тошкентлик кандакор усталар томонидан тайёрланган. Сатилнинг барча қисмларига метал қалам билан гуллар солинган. Ушбу сатил музей учун алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, ноёб, тарихий миллий этнографик халқ амалий санъатининг кандакорлик турини ўзида мужассам этган уй-рўзғор буюмидир. Сатилдан сув ҳамда ғалла маҳсулотларини сақлашда фойдаланилган. Бунда сақланган маҳсулотлар айнамаган ўз ҳолатини йўқотмайди.

Обдаста баландлиги 45см, қорин айланаси 74см. 1978 йил 5 июлда музейга қабул қилинган. 19 аср охирида мисгар ҳунармандлар томонидан болғалаш йўли билан тайёрланган. Узун ва ингичка жўмракли, бўғзи тор. Обдастанинг қорин марказига юраксимон шакллар берилган. Қорин қисмига жумрак учигача махсус қоплама қўйилиб бўғиз ва қорин қисмларига “Г” симон шаклда банд ёпиштирилган. Бадиий буюм бет-қўл ювиш учун ишлатилади. Ушбу обдаста ҳунармандчиликнинг нодир намуналаридан.

Чилим баландлиги 28см, айланаси 27,5 см. 19-асрга оид. Ушбу чилим 4 декабр 1989 йилда музейга қабул қилинган. Туби ўрнатиш учун қулай қилиб пастга томон кенгайтирилган. Қорин қисмига бирккан жойи хол-хол қилиб бўртма нуқталар билан безатилган белбоғчали. Чилимни бешта бўлак қилиб қолипда қўйиб, сўнг бириктирилган, ичи ғовак бўлиб, унга най сархона ва ўтхоналар уланган. Тамаки солиб чекиладиган асбоб. Найчанинг икки ёнида бўртма баргсимон беаги бор. Чилимнинг қапқоғи ва чекиш учун қамиш найчаси йўқ.

Чилочин бўйи 14 см, диаметри 32см. 19-асрга оид. 1986 йил 21 июнда музейга қабул қилинган. Чилочин мисдан ишланган, қопқоғи йўқ, устки қисмига мис ўймакорлигининг ўсимликсимон, геометрик шаклларга эга бўлган нусхалар асосида нақшлар бериб безатилган., чилочин тоғорасимон кўринишда.

Музей ўтмиш билан бугунни боғловчи кўприк, беқиёс маънавий-маърифий манбалар жамланган даргоҳ шундай экан бетакрор тарихий меросимизни ҳалқимизга тўла етказиш, ёш авлодни маданиятимиз тарихи билан ғурурланиш ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашда музейларнинг аҳамияти катта. Музей илмий ходимлари ушбу экспонатлар ёрдамида ўлкамизнинг асрлар мобайнида шаклланган бебаҳо меросини намоёни

қилиш орқали албатта ёш авлодга ота-боболаримизнинг касбларига меҳр ўйғотадилар. Ҳалқимизда йигит кишига қирқ хунар ҳам оз деб бежизга айтилмаган. Зора музейга ташриф буюрган ёш томашабинлар орасида мисгар кандакор усталар етишиб чиқса.

АДАБИЁТЛАР

1. Мозийдан садо илмий-амалий, маънавий марифий журнал 4. (68) . 2015 йил сони.
2. Сан'ат журнал.2/2013 йил сони.
3. Сан'ат Ўзбекистон Бадиий Академияси журнали 1/2018 йил №78
4. Тамаддун Тарихимизни ўрганамиз 6-сон 2023 й
5. Наманган садоси газета 3 сони апрел'.
6. Наманган вилояти меъморай обидалар сирлари. Наманган нашриёти I.YU. Ю супов. Э. Ю. Мирзалиев
7. Наманган вилояти зиёратгохлари. Наманган шаҳри 2015 й. Л. Ахмадалиева.